Ушбу сонда:

2 ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ НИМА?

3 КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

ЖАЗО ЭМАС, ТАРБИЯ УСТУВОР

4 ДУНЁНИ МАФТУН ЭТГАН АЁЛ

MEZON:

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 39 (395) 2004 йил 12 октябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Курраи заминда инсон пайдо бўлганидан буён ўтган минг йиллар мобайнида одат тусига айланган энг муҳим ҳодисалардан бири бу, шубҳасиз, одамзотнинг қонун асосида яшаш ва ишлашга ўрганганидир. Бугун жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қонун кундалик турмушнинг асосий мезонига айланган.

Эркин демократик жамият қуриш истаги билан яшаётган ҳар бир халқ яратилаётган ҳар бир қонуннинг адолатли, халқчил, содда ва тушунарли, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қила оладиган бўлишига эришишга интилади.

Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, албатта, қонунчилик жараёнини, аввало қонун қабул қилувчи орган фаолиятини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи ҳисобланадиган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган Олий Мажлиснинг келгусида икки палатали парламент тизимига ўтиши ҳам ушбу мақсадга йўналтирилган.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдум ва у асосида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар икки палатали парламент тизимига ўтиш учун зарур ҳуқуқий асосни яратди.

Ўзбекистон Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилди, сайлов тўғрисидаги қонунларимиз такомиллаштирилди. Хўш, икки палатали парламент тизимига ўтишнинг моҳияти нимада? У қандай шакллантирилади? Қандай ваколатларга эга бўлади ва қандай тузилмалардан таркиб топади?

БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ АФЗАЛМИ ЁКИ ИККИ ПАЛАТАЛИ?

Бир палатали парламентлар одатда ҳудуди, аҳолисининг сони камроқ бўлган давлатларда, икки палатали парламентлар эса, аксинча, ҳудуди каттароқ ва аҳолисининг сони кўпроқ бўлган давлатларда фаолият кўрсатади.

Бир палатали парламент тизимининг ўзига хос ижобий жиҳати, биринчидан, унинг соддалиги ва шаклланишининг осонлигида бўлса, иккинчидан, қонун ҳужжатларининг тезроқ қабул қилинишида кўринади. Лекин икки палатали парламентнинг афзалликлари кўпроқ. Чунки, икки палатали парламент тизимида мувозанатни сақловчи иккинчи палата мавжуд, аҳолининг турли қатламлари ва мамлакатнинг турли маъмурий-жуғрофий ҳудудлари манфаатлари кенгроқ ифода этилади, қабул қилинадиган қонунларнинг янада пишиқроқ ва мукаммалроқ бўлиши таъминланади ва ҳоказо.

Жаҳон тажрибасига кўра, икки палатали парламентлар одатда қуйи ва юқори палаталардан иборат бўлиб, қуйи палата бевосита фуқаролар томонидан сайловлар асосида шакллантирилади. Юқори палата эса маъмурий-ҳудудий бўлинмалар (вилоятлар)нинг тенг миқдордаги вакилларидан иборат бўлади ва, қоидага кўра, ушбу ҳудудлар манфаатларини ифодалайди.

Қолаверса, палаталарнинг бирбирини тийиб туриши, парламент ва бошқа ҳокимият тармоқлари орасида ўзаро мувозанатнинг вужудга келиши жамиятда сиёсий барқарорлик асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда сиёсий партияларнинг аҳамияти ортиб, уларнинг қонунчилик соҳасидаги иштироки фаоллашади, фикрлар хилма-хиллигига янада кенгроқ шароитлар яратилади.

Икки палатали парламентнинг вужудга келиши қонун чиқарувчи ҳокимият ролининг ошишига ва парламентнинг қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорати кучайишига, натижада эса, қонунларнинг яхшироқ ижро этилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам жаҳондаги тараққийпарвар мамлакатлар ўз миллий парламентларини икки палатали тизимга ўтказиш учун интилмоқдалар.

ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Парламентни шакллантиришнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг кенг тарқалгани парламентнинг умумхалқ сайлови асосида шакллантирилишидир.

Агар парламент икки палатадан иборат бўлса, одатда, унинг қуйи палатаси аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Юқори палатаси эса турли йўллар билан, хусусан, умрбод ёки муайян муддатга тайинлов асосида, ворислик натижасида, қуйи палата аъзолари орасидан сайлов ўтказиш йўли билан, турли ижтимоий табақа аъзоларига муайян ўринлар ажратиш орқали, маъмурий-ҳудудий мансублик асосида шакллантирилиши мумкин.

Масалан, икки палатали парламентга эга бўлган Францияда қуйи палата аъзолари бевосита ушбу мамлакат фуқаролари томонидан сайланади, юқори палата эса маъмурий ҳудудлар (вилоятлар)нинг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Бундай усул Голландия ҳам қўлланилади.

Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси (Вакиллар палатаси) аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланса, юқори палата (Лордлар палатаси) таркибининг учдан икки қисми ворислик асосида шакланади, қолган қисми эса Қиролича томонидан тайинланади.

Норвегия ва Исландияда парламентларнинг қуйи палаталари аъзолари халқ томонидан сайланади, юқори палаталари эса айнан қуйи палата аъзолари орасидан ушбу палата йиғилишида сайлов асосида шакллантирилади. Осиё қитъасида жойлашган Қатар давлати парламентининг барча аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади. Миср, Ҳиндистон ва Хитой давлатларида аҳолининг алоҳида синфлари (деҳқонлар, ишчилар, ҳарбийлар) учун мамлакат парламентида муайян ўринлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги тизимга муваффақиятли ўтиши ва икки палатали парламент сифатида самарали фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий замин деярли тайёр бўлди, дейиш мумкин. 2003 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз Парламентини шакллантириш йўллари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ушбу Қонунга кўра, Олий Мажлис қуйи палатаси — Қонунчилик палатаси аъзолари, яъни депутатлар Республика фуқаролари томонидан, юқори палата — Сенат аъзоларининг, яъни сенаторларнинг асосий таркиби эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

Демак, қуйи палата депутатлари тўғридан-тўғри сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодлар орасидан сайланса, сенаторлар эса поғонали сайлов ва тайинлов асосида шакллантирилади. Бу миллий парламентимиз шакллантирилишининг ўзига хос муҳим жиҳати саналади.

Қонунга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бундан буён депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

Эндиликда сайловчиларнинг ўзлари ва сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда янада фаол қатнашиш ва, бу орқали, давлат ва жамият бошқаруви ишида кўпроқ иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилаётган шахс сайлов кунига қадар йигирма беш ёшга тўлган, сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз парламентига бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини сарҳисоб қилишда Республика Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин туғади. У мустақил орган ҳисобланади ва ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги, референдум тўғрисидаги ҳамда бошқа тегишли қонунларга амал қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг холис орган эканлигини яна бир исботи шундаки, у Олий Мажлис томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади, комиссияси аъзолигига номзодларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тавсия этадилар. Бундан кўриниб турибдики, Марказий сайлов комиссиясини алоҳида бир органнинг ўзи шакллантира олмайди.

Бу каби омиллар, албатта, сайловларнинг адолатли ва ҳаққоний ўтишига хизмат қилади.

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Ваколатлари бўйича дунёдаги парламентларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Булар мутлақ чекланмаган ваколатли, чекланган ваколатли, расман чекланмаган, лекин «қоғоздагина мавжуд» ваколатли ва декоратив ваколатли парламентлардир.

Мутлақ чекланмаган ваколатли парламент давлатнинг бошқа органлари ваколатларига кирмайдиган ҳар қандай масала бўйича тегишли қарор қабул қила олади. Бундай парламентнинг бошқа давлат органларига нисбатан устуворлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тан олинади. Чекланмаган ваколатли парламентлар парламентар республикаларга хосдир. Бироқ баъзи масалаларда белгиланган тартибга амал қилишлари лозим бўлади. Масалан, улар қабул қилган қонунга давлат раҳбари томонидан вето, бошқачароқ айтганда — таъқиқ қўйилиши мумкин. Қолаверса, ҳатто бундай ваколатли парламент ҳам белгиланган тартибда тарқатиб юборилиши мумкин. Шунингдек, парламент қабул қилган муайян ҳужжат Конституциявий суд томонидан конституцияга зид деб топилиши мумкин. Конституцияга зид деб топилган ҳужжат эса, табиийки, амалга киритилмасиданоқ ўз кучини йўқотади. Буюк Британия ва Италия парламентларини мутлақ чекланмаган ваколатли парламентлар қаторига киритиш мумкин.

Чекланган ваколатли парламентлар, одатда, президент бошқарувига эга давлатларда фаолият кўрсатади ва конституция ҳамда қонунларда белгиланган ваколатлардан ташқари бошқа ваколатларга эга бўлмайди. Бунга Франция парламенти мисол бўлади. Расман чекланмаган, лекин «қоғоздагина мавжуд» ваколатли парламентлар асосан тоталитар тузумга асосланган мамлакатларга хос. Собиқ СССР Олий Кенгаши айнан шундай парламент эди. СССР Олий Кенгаши давлат ҳокимиятининг барча ваколатларига эга ҳисобланса-да, ўз ваколатларидан мустақил равишда фойдалана олмасди.

Чунки СССР Олий Кенгаши амалда собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг қўғирчоғи эди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш мақсадида «Осиё Тараққиёт Банки» билан ҳамкорликда **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб қилиш учун қонунчилик базаси ва муҳитини такомиллаштириш"** лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишда давлат ва ҳуқуқ сиёсати тажрибаларини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг 29 сентябр — 5 октябр кунлари Адлия вазири биринчи ўринбосари И.Абдуллаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ вазирлик ходимлари Малайзия давлатида бўлиб қайтди.

Мазкур ташриф давомида Адлия вазирлиги ходимлари билан Малайзиянинг Иқтисод вазирлиги, Адлия департаменти, халқаро савдо ва саноат вазирлиги, ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантириш Корпорацияси, халқаро савдо-саноат палатаси, саноатни ривожлантириш агентлиги ва саноатчилар Федерациясида учрашувлар бўлиб ўтди.

Учрашувлар чоғида Малайзия давлатининг хорижий инвестицияларни жалб қилишга оид қонунчилиги, бу борада орттирилган тажриба ҳамда Ўзбекистон ва Малайзия давлатлари ўртасида хорижий инвестицияларни жалб қилишга оид масалалар юзасидан фикр алмашинилди.

Dakki

ТАҚДИМНОМА ТАЪСИРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шартномавий масалаларга оид қонун ҳужжатларининг бажарилишига амалий ёрдам кўрсатиш адлия ходимларининг муҳим вазифасидир. Яқинда Адлия вазирлиги ходимлари Сирдарё вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси тизимидаги акциядорлик жамиятларида 2003-2004 йилларда тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва ижроси аҳволини ўрганиб чиқишди. Ўрганиш мобайнида бу борада айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳам мавжудлиги аниқланди.

Биргина мисол. 2003 йил ҳосили учун 80 фоизлик тўлов шартномага кўра, 2004 йил 1 январгача ҳисоб-китоб қилиниши мажбурий эди. Бироқ бирлашма ушбу тўловни июн ойигача ҳам тўлиқ тўламаган.

Биргина 37 та "транш" орқали 24 мартгача 6.350 минг сўм, 16 апрелгача 75861 минг сўм тўланган. Июн ойига қадар 20 фоизлар ҳисобидан 2 миллиард 480 миллион 647 минг сўм фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказилмаган.

"Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси томонидан тола сотиш бўйича тузилган шартномаларнинг бир қисми **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрида"**ги қонуннинг 10-моддаси талабига жавоб бермайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Bugunning gapi

МЕҲНАТИГА РОЗИ ОДАМЛАР

Кўрғонтепалик фермер Комилжон Содиқов чинакам янги давр одами. У мулкдор, ер эгаси, хусусий хўжалик раҳбари. Комилжон аканинг ўзи ҳам, меҳнаткаш тадбиркор отаси ҳам яқин "ўткан кунлар"даги "социализм" деб аталган даврда бир умр меҳнат қилишди-ю, бойиш у ёқда турсин, косаси ҳам оқармади. Агар мустақиллик бўлмаганда, Комилжон ака ҳам фақат пенсияга ҳассадек таяниб, оёғини судраб юрарди...

Унинг фермер хўжалиги ташкил этишига ҳам раҳматли отаси Содиқжон ота сабабчи бўлганди. Нима бўлдию, собиқ колхознинг "брак"ка чиқарилган, оёқда зўрға турадиган сигирлари сотиладиган бўлиб қолди.

— Бари барака сигирда, беш-ўн бош олиб қўймайсизми, ўғлим, — деганди ўшанда отаси.

Қарангки, отаси билиб айтган экан. Бу гап мустақиллигимизнинг дастлабки йилида бўлган эди. У 9 бош "швец" қўнғир зотли, лекин қаровсизликдан "брак"ка чиқарилган сигирни колхоздан сотиб олди. Бир йилдан сўнг қарови яхши бўлган сигирлар туғиб, тенг баравар кўпайди.

Шу билан "Аваз" фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлади. Эски колхознинг чорва фермаси бинолари ҳам сотиб олинди.

— Гарчи асли касбим ҳайдовчилик бўлса-да, — деб ҳикоя қилади Комилжон ака ўша дастлабки кунларни эслаб, — отамдан молни қандай боқишни ўрганганим қўл келди. Чунки сигирнинг сути оз, қаймоғи кўп бўлса ҳам отамдан танбеҳ эшитардим. Шунинг учун сигирни ярим кун ёғи кўпаядиган, ярим кун сути кўпаядиган жойда боқишга ўрганган эдим. Ана шу тажриба қўл келди.

Мана бугун атиги 9 бош сигир билан иш бошлаган фермер хўжалигида 220 бош "Швец" қўнғир зотли наслли ғунажин ва новвослар парвариш қилинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Ajab savdolar

ФИКСАЛ ХОТИРА АЛДАМАЙДИ

Жойлардаги мувофиқлаштирувчи Кенгашларнинг фаол ҳаракати туфайли ваколатли идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларини назорат тартибидаги текширишларда пала-партишликларга чек қўйилди. Бошқача қилиб айтганда, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг қонуний манфаатлари муҳофазаси янада кучайтирилди.

Шундай бўлса-да, айрим назорат қилувчи идора ходимлари ўзларига берилган ваколатларни суиистеъмол қилиш, қонун ҳужжатларини нотўғри талқин этиш каби ҳолатларга йўл қўяётгани сир эмас.

Фикримизнинг далили сифатида Қуйичирчиқ туманида фаолият юритаётган "Бўрикул бобо" хусусий фирмаси раҳбари Замира Бўтаеванинг Адлия вазирлигига ёзган аризасини келтириб ўтиш ўринлидир:

"2003 йил 23 апрели куни шахсий фирма дўконига "Силекс–7004" русумли назорат-касса машинасини туман солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказиб, ўрнатган эдим. Ушбу назорат-касса машинасини туманимизда фаолият юритаётган "Мустақиллик" ассоциациясидан сотиб олган эдим. Ўша пайтда ҳам "НКМ"нинг муҳрлари йўқ эди. Уни мутахассислар бир неча марта кўздан кечиришган бўлса-да, бирор марта ишлатиш мумкин эмас, деб айтишмаган.

2003 йил 16 август куни дўконда савдо қилиб турганимда, туман солиқ инспекцияси ходими Баҳром Мирзаев келиб, назорат-касса машинасининг муҳри йўқ экан деб, менга тушунтириш хати ёздириб, "НКМ"ни олиб кетди.

Бир ҳафтадан сўнг туман солиқ инспекцияси идорасига бордим. Туман ДСИ бошлиғи Наим Кабиров менга «сизни 1.088.000 сўмлик жаримага тортдик», деди.

"НКМ"ни шу бугунги кунгача менга қайтариб беришмагани туфайли фирма фаолияти тўхтаб турибди. Натижада анчагина миқдорда моддий ва маънавий зарар кўрдим.

Мен "НКМ"нинг ишлаш механизмига тушунмайман. Лекин мутахассислардан суриштириб аниқлашимча, фискал хотирага ўзгартириш киритиб бўлмас экан. Қолаверса, "НКМ"нинг фискал хотирасига ўзгартириш киритишга зарурат бўлмаган.

Адлия ходимларининг тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишига қаттиқ ишонаман. Шунинг учун ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдаман".

Шу ўринда кейинги вақтда қарийб «урф» бўлиб бораётган бир ҳолатни айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Гап шундаки, назорат идоралари томонидан олиб қўйилган назорат-касса машинасини техник кўрикдан ўтказган корхоналар аксарият ҳолларда билиб-билмай "НКМ" фискал хотираси бузилган», деган хулосани бериб юбораяпти. Солиқ идоралари ҳам ана шу далолатномаларга асосан молиявий жарималар қўллаяпти. Энг ёмони, айрим ҳолларда қўлланилган жазо ноқонуний бўлиб чиқяпти.

Бундай дейишимизга сабаб "Бўрикул бобо" хусусий фирмаси "Савдо-электроника" шўъба корхонаси билан "НКМ"га сервис хизмати кўрсатиш юзасидан 2003 йил 23 апрелда 6160-рақамли шартнома тузган. Мазкур шартноманинг 1.2, 1.3 бандларида "НКМ"ни созлаш, дастурлаш, муҳрлаш каби вазифалар шартнома мақсади экани ва бажарувчи созлашдан кейинги даврда "НКМ"га кафолат бериши қайд этилган.

2003 йил 20 августда "Савдо-электроника" шўъба корхонаси лабораторияси раҳбари С.Колокин ўрнини босадиган шахс имзоси билан тасдиқланган техник текшириш далолатномасида "Бўрикул бобо" шахсий фирмасига қўйилган завод рақами EI–94004906 рақамли, "Силекс 7004" русумли "НКМ" фискал хотираси очилгани ва фискал хотирага рухсатсиз кирилган, деган хулоса берилган.

Ҳайратланарлиси шундаки, шўъба корхонаси "НКМ"нинг муҳри йўқлигини била туриб, бу тўғрида лом-мим демаган. Қолаверса, шартнома ва далолатнома матнлари давлат тилида ёзилмаган.

Хуллас, тадбиркор аёлнинг аризасида келтирилган далилларга ойдинлик киритган Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари қуйидагиларни аниқлашди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ajab savdolar

ФИКСАЛ ХОТИРА АЛДАМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳақиқатдан ҳам, Қуйи Чирчиқ тумани ДСИ ходимлари томонидан 2003 йил 16 август куни "Бўриқул бобо" хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилган ва шу асосда далолатнома тузилган.

Ана шу далолатномага мувофиқ фискал хотираси бузилган "Силекс 7004" русумли "НКМ" аҳолига пуллик хизмат кўрсатилгани учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги 230-сонли қарорига асосланган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари миқдорида, яъни 1.088.000 сўм молиявий жарима қўлланилиган.

Солиқ инспекцияси молиявий жарима қўллашда "Савдоэлектроника" ва "Оққўрғон ЭТМ" шўъба корхоналари далолатномасига асосланган.

Ушбу далолатномаларда эса "НКМ"нинг завод ва ДСИ муҳри йўқлиги ҳамда фискал хотираси тамғаси бузилгани, фискал хотирасига рухсатсиз кирилгани баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 230-сонли қарори ва Адлия вазирлигидан 2003 йил 28 майда 05-198-рақам билан рўйхатдан ўтган Тартибнинг 7-бандига мувофиқ **фискал хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган** назорат-касса машиналаридан фойдаланилаётганини тасдиқловчи техник экспертиза хулосаси олинган тақдирда юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ДСИ идоралари томонидан молиявий санкция қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, юқоридаги қарорнинг 1-бандида **"... даромад яширилишига кўмаклашувчи фискал хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурнинг ноқонуний ўзгарилгани учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка бўлган тартибда жавоб берадилар"**, деб қайд этилган.

Бироқ Қуйичирчиқ тумани ДСИ томонидан "Бўрикул бобо" хусусий фирмасини даромад яширгани ёки "НКМ"нинг **фискал хотирасига хизмат кўрсатиш дастури** ноқонуний ўзгартирилгани ҳолати аниқланмаган.

Фикримизга аниқлик киритиш мақсадида шуни таъкидлаш лозимки, **фискал хотира тамғаси йўқлиги ёки фискал хотирага рухсатсиз кириш** юқоридаги қарорда кўзда тутилган жавобгарликни юзага келтирмайди, яъни **фискал хотира** билан **фискал хотирага хизмат кўрсатиш дастури** бошқа-бошқа нарсалардир.

Бундан ташқари, "Оққўрғон ЭТМ" шўъба корхонаси билан ўтказилган суҳбатда фискал хотира очилгандан сўнг махсус компьютер орқалигина фискал хотирада мавжуд бўлган маълумотлар ўзгартирилиши ва ушбу ўзгартишлар махсус лицензияси мавжуд бўлган ташкилот ёки унинг ходими томонидан амалга оширилиши мумкинлиги баён қилинган.

Шу билан бир қаторда Адлия вазирлигидан 05-198-рақам билан рўйхатдан ўтган Тартиб талаблари ва 1-иловага мувофиқ "НКМ"ни тадбиркорлик субъектларидан олиб кетиш вақтида назорат-касса машинаси олиб қўйиш баённомаси тузилиши ва аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб юритиш учун давлат солиқ хизмати идораси томонидан белгиланган шаклдаги ҳисоб-китоб қоғозлари берилиши керак.

"Бўрикул бобо" хусусий фирмасига тегишли назорат-касса машинасини олиб қўйиш юзасидан тузилган баённома З.Бўтаева томонидан имзоланган. Шунингдек, баённомада "НКМ" фискал хотирасининг умумий кўрсаткичи (Z – ҳисоботи) акс эттирилмаган. Бундан ташқари, фирмага аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобни юритиш учун белгиланган шаклдаги ҳисоб-китоб қоғозлари берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2004 йил 14 январда 02-1/ИН-0164-рақами билан Тошкент вилояти адлия бошқармаси "Бўрикул бобо" хусусий фирмасига нисбатан 27.08.2003 йилда қўлланилган молиявий жаримани бекор қилиш юзасидан вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритди.

Бироқ тақдимномага рад жавоби олингач, адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига 2004 йил 7 апрелда даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Вилоят хўжалик суди ушбу ишни 2004 йил 20 майда кўриб чиқиб, Қўйичирчиқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 20 августдаги "Бўрикул бобо" хусусий фирмасига нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топди.

Шундан сўнг З.Бўтаева бой берилган соф фойда ҳамда маънавий зарарни ундириш тўғрисида вилоят адлия бошқармасига яна ариза билан мурожаат қилди.

Тадбиркорнинг манфаатларини кўзлаб вилоят адлия бошқармаси 2004 йил 14 июнда фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритди.

2004 йил 26 августда бўлиб ўтган суд мажлисида даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Суд Қуйичирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Наим Кабиров ва солиқ инспекцияси ходими Б.Мирзаевдан муштарак тартибда "Бўрикул бобо" хусусий фирмаси фойдасига бой берилган фойда 129.900 сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, Н.Кабиров, Б.Мирзаев чўнтакларидан 50.000 сўмдан маънавий зарарни ҳам тўлайдиган бўлишди.

Бўлиб ўтган воқеалар нафақат Н.Кабиров ва Б.Мирзаевлар, балки бошқаларга сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, "Ўйламай босдим тиконни,тортадурман заҳрини..." деб донишмандлар бежиз айтишмаган.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Muloqot

ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

Мен кўчмас мулк биржаси орқали уй-жой сотиб олиш ниятидаман. Хусусийлаштирилган уй-жойлар кўчмас мулк биржаси орқали сотиб олинганда қандай тартибда рамсийлаштирилади? Шу ҳақда газетангиз орқали батафсил маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Н.ТОШЕВА,
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 488-моддасига кўра, уй, квартира, квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Тегишли мулкка бўлган мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтиши учун ушбу ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг сотиб олувчига ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш ўзига хос юридик таркибнинг асосий муҳим элементи ҳисобланади. Агар тарафлар шартномада кўчмас мулкни топшириш ва унинг баҳосини тўлаш мажбуриятини мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишга қадар бажаришни келишиб олган бўлсалар, ҳар қайси манфаатдор тараф уларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади.

Ҳурматли таҳририят! Касбим шифокор. Яқинда Иштихон тиббиёт коллежини тугатдим. Шифохонага ишга кирмоқчи эдим. Мутасаддиларга учрашсам, уч ойлик синов муддати билан ишга қабул қилишларини айтишди. Синов муддати нима, у кимларга нисбатан қўлланилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Матлуба ДЎСТМУРОДОВА,
Самарқанд вилояти, Иштихон тумани

Ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатини текшириш, меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши мақсадида дастлабки синов қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади. Дастлабки синов муддати уч ойдан ошмаслиги лозим ва муддат ходим розилиги билан қўлланилади. Ҳомиладор ёки уч ёшгача боласи бўлган аёллар, туман меҳнат бўлимлари томонидан белгиланган иш жойи ҳисобидан ишга юборилганлар, олти ойгача муддатга ишга қабул қилинаётганларга нисбатан дастлабки синов қўлланилиши мумкин эмас.

Дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилиш ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда қайд этилади.

Huquqiy ma`rifat

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ НИМА?

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турли хил шартномаларни тузиш ва тарафлар ўртасидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ичида лизинг шартномаси бошқа шартномалардан ўзига хос хусусиятлари ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни билан ажралиб туради.

Шу ўринда лизинг қандай шартнома ва у қандай тузилади, деган саовл туғилиши табиий. Бунга жавобан аввало шуни айтиш лозимки, лизинг инглизча "Forlease" сўзидан олинган бўлиб, "ижарага олмоқ" деган маънони англатади. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ лизинг шартномаси заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, кўчмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир.

Лизинг шартномаси уч тарафлама тузиладиган шартнома бўлиб, лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Бундан шундай мазмун келиб чиқадики, товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олинган бўлади, шу сабабли ижарага берилган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизинг шартномасида банклар ё лизинг фермалари ижарага берувчи ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларида лизинг шартномасини тузиш ва фуқаровий ҳуқуқий муносабат ўрнатиш ўзига хос ҳуқуқий ва молиявий тартиб қоидани тақозо этади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, лизинг операцияларининг 85 фоиз жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бундай операцияларда кўпроқ банкнинг узоқ муддатли кредитлари жалб этилади. Яъни ижарачи ижарага берилаётган ускуналар қийматининг 80 фоизгача ҳамда узоқ муддатли кредитлар учун таъминланган ҳисобланади.

Лизинг шартномасидаги тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқаролик қонунчилигига мувофиқ лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк шахсга лизингга беришга мўлжалланганини сотувчига билдириши шарт.

Лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк умуман ёки ўз муддатида етказиб берилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг 595-моддаси бўйича жавобгарлик унинг зиммасига тушади. Лизинг олувчи ўз мажбуриятини жиддий равишда бузганда лизинг берувчи тўланаётган тўловларни тезлаштириши мумкин. Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишига доир ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгилаши мумкин. Лизинг шартномасида сотувчи ҳам муҳим мавқега эга. Бунда сотувчининг лизинг берувчи ва лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганида мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганини аниқ билишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис сотувчи билан юзага келадиган фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, лизинг шартномаси тузилиши, мазмун-моҳияти ва жаҳон миқёсида кенг қўлланилиши билан бошқа шартномалардан ажралиб туради. Лизинг шартномасини ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш бозор муносабатларини фаоллаштириши баробарида хўжалик субъектларининг тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Элёр НОСИРОВ

Faxr

Бугун давр ўзгарди. Эндиликда меҳнат ҳақиқий шон-шараф ишига айланди. Мустақиллигимиз берган имкониятдан фойдаланиб, 2000 йилнинг баҳорида оила аъзоларимиз билан биргаликда "Рўзимхўжа" кичик корхонасини ташкил қилган эдик.

ҚУЁШ КУЛГАН КУН

Банкдан кўп миқдорда кредит олиб, ширкат хўжалигининг эски биносини таъмирдан ўтказдик. Хитой ун тегирмони, шоли торози сотиб олдик, макарон цехи қурдик. Кичик корхонамизнинг ишга туширилиши билан янгидан тўртта оила иш ўринларига эга бўлди. Ўзимизгина эмас, элдошларимизга ҳам нафимиз тегаётганидан қувондик.

Оилада олти нафар фарзандимиз бор. Гапни бир жойга қўйиб, ўғлимиз Отабекнинг номига "Қиётобод" ширкат хўжалиги таркибида "Рўзимхўжа" деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этдик. Ҳозирда 30 гектар ер майдонимиз мавжуд. 25 гектар майдонда пахта, 5 гектар майдонда буғдой, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиряпмиз. Бу йил пахта ҳосилининг асосий қисмини биринчи навга сотдик. Масаланинг моддий томонини гапирадиган бўлсак, бу жарақ-жарақ пул демакдир.

Буғдой ҳосили ҳам кўнгилдагидек бўлди. Қуруқ мақтаниш эмас-ку, етиштирилган ҳосилни тўплаш бобида туманда олдинги ўринларни эгаллаб келдик.

Айтмоқ жоизки, кичик корхона ва деҳқон-фермер хўжалигимизда четдан келадиган техника воситаларига муҳтожлик сезмаймиз. Ўз номимизда бўлган трактор, автобус, енгил автомашиналаримиз ҳар қандай техник хизматга шай турибди.

Халқимиз саховатпеша халқ. Табиийки, бу фазилат бизга ҳам юқмасдан қолмаган. Шунинг учун вақти-вақти билан ширкат хўжалигимиз ҳудудидаги болалар боғчалари тарбияланувчиларини гуруч, макарон каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Байрамлар, шонли саналарда кам таъминланган оилаларга моддий ижтатдан ёрдам кўрсатиш жамоамизда одат тусига айланган. Яқинда ширкат хўжалигимизда ташкил этилган "Хўжа" футбол командасига спорт моллари совға қилдик.

Яратганга шукроналар бўлсинким, бугун қуёш кулган кунларда яшамоқдамиз. Замонамиз тинчлиги шарафли меҳнатимиз келажак кунларининг янада ёруғ бўлишига имкон яратади.

Рўзимбой ИБРАГИМОВ,
тадбиркор,
Қорақалпоғистон Республикаси

Bugunning gapi

МЕҲНАТИГА РОЗИ ОДАМЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Энг муҳими, фермер хўжалиги Республика миқёсидаги наслчилик корхонасига айлантирилган. Корхона Тошкент, Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларига наслли чорва моллари етказиб бермоқда. Шартномага кўра, шу йил давомида 10 бош наслли новвос ва ғунажин етказиб берилиши керак эди. Ҳозирги кунгача 26 бош ана шундай наслли моллар сотилди.

Фермер хўжалиги наслчилик билан бирга сут ишлаб чиқаришга ҳам ихтисослашган. Ўтган 9 ой давомида ҳар бир сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олинди. Унинг 3150 килограмми сут корхонасига топширилади, қолгани фермер хўжалигининг ички эҳтиёжига ишлатилади. Ҳар бош бузоққа олти ой давомида кунига 7-8 литр сут ичкизилади. Шу билан бирга Кўрғонтепа дон маҳсулотлари корхонасига ҳам 9 ой давомида 15 тонна сут етказиб берилди.

Бугун Комилжон ака ўзи мулкдор, ўзи хўжайин экан, кечаю-кундуз фойда зарарни ҳисоб-китоб қилади. Мана ана шу таҳлиллар натижаси: фермер хўжалигининг йиллик товар айланиши 70 миллион сўмликни ташкил этади, харажат эса 52-55 миллион сўмга тўғри келади. Демак, бир йилда 18-20 миллион сўм соф фойда деяверинг.

Айни кунда хўжаликда 22 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирининг ўртача ойлик иш ҳақи 25000 сўмни ташкил этади.

Фермер хўжалигига 57,5 гектар экин ер майдони ижарага берилган. Унинг 15 гектарига буғдой экилади. Бу йил давлатга 64 тонна буғдой сотилди, шартномавий режа 110 фоизга бажарилди. 8 тонна буғдой хўжалик аъзоларига бепул тарқатилди.

Қолган ер майдонига озуқа экинлари экилади. Уларга ишлов бериш учун техника етарлича бор. Уларнинг эскилигини, озуқа экинлари учун ер майдони озлигини ҳисобга олмаганда ҳамма иш жойида. Комилжон ака Содиқов муаммолар ҳақида гапиришни ёмон кўради.

— Ҳар қандай муаммони меҳнат қилиш йўли билан ҳал этса бўлади, — деб ҳисоблайди у.

Лекин шу билан бирга фермер хўжаликларидан сотиб олинаётган сутнинг харид нархи пастлиги, электр таъминотидаги узилишлар, чекловлар хўжаликка зарар келтираётганидан куйинади.

— Электр учун ўз вақтида пул тўлаймиз. Лекин таъминотчилар хоҳлаган вақтида электр энергиясини узиб қўяверишади. Сигирларни мотор энергияси орқали соғиб олишга тўғри келяпти, — дейди куйиниб Комилжон ака.

Комилжон ака фермер хўжалигига яхши ният билан неварасининг исми билан "Аваз" деб ном қўйган эди. Унинг ишлари чакки эмас. Мақсади – наслли чорва молларини кўпайтириш, иложи бўлса, сутни қайта ишлаш кичик корхонаси очиш. Ахир, тайёр маҳсулот чиқарса, яна яхши эмасми? Бу йўлда чет эллардан ҳам ҳамкорлар излаяпти.

Фермернинг ўз қўли, ўз меҳнати билан яратилган бойлик, мол-мулк бу чин маънодаги истиқлол мевасидир. Комилжон Содиқов қонуний ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш билан бирга ўз бурчини ҳам тўлиқ бажараётган ишбилармон фермердир.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Қадим ривоятда айтилишича, Она ер ўз бағридаги одамзот боласи қилмишидан тутақиб кетганда, ўзига-ўзи шундай дер экан: — Нега бу ожиз бандалар бир парча ер учун талашиб-тортишади, жиққамушт бўлиб, ҳатто бир-бирининг умрига зомин бўлишгача бориб етади. Ахир, уларнинг тириги ҳам, ўлиги ҳам меники-ку!..

ЕР ТАЛАШГАН ЭЛ БЎЛМАС...

Бу ривоят замирида аччиқ ҳақиқат ётибди. Ҳолбуки, ер талашиш оқибатида катта-катта можароларнинг келиб чиққанига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Баъзан ҳаётда гоҳ-гоҳида бўлса-да, фалончи ер талашиб яқин қариндоши билан ёқалашибди ёки тоға-жиян бир парча ер устида, юзкўрмас бўп кетибди, деган гап-сўзлар қулоққа чалинади. Одамзотни инсоф ва имонга чорловчи муқаддас китобларда эса Яратганнинг азму ихтиёри билан курраи замин ризқ-рўз манбаи сифатида эъзоз ҳамда эҳтиромга лойиқлиги бот-бот таъкидланган. Шу боис бир сиқим тупроқни муқаддас деб кўзга тўтиё қиладилар. Бироқ афсуски, кейинги пайтларда Чироқчи туманида баъзи кимсалар жоҳилликка берилиб, жиноят содир этаётгани ачинарли ҳол.

Мисол учун айтадиган бўлсак, тумандаги "Чияли" ширкат хўжалигининг Сувлиқ қишлоғида икки қариянинг бир парча ер устидаги жанжали оқибатида фожеа юз берди. Нарзулла бобо қўшниси Туроб бобонинг томорқаси ёнидаги чимзор ерни белкурак билан ағдараётганини кўриб, унга қаршилик кўрсатди.

Оғзаки тортишувдан бошланган жанжалда жаҳл қутқусига учган Нарзулла Каримов қўшниси қўлидаги белкуракни тортиб олиб, унинг темир қирраси билан рақиби бошига урди. Туроб Пиримов оғир тан жароҳати олгани боис туман марказий касалхонасида вафот этди.

"Бешпилла" ширкат хўжалигида яшовчи Алишер Бобоев ҳам ер талашиб, қишлоқдоши Тилла Хидиров билан муштлашди. Оқибатда Тилла касалхонада даволаниб чиқди. Ҳайриятки, улар яхши одамлар даъвати билан ярашиб кетишди. Бироқ бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака учади, деганлари рост, С.Жўраев номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Одил Норқўзиев "Меҳнатобод" ширкат хўжалигининг Хўжақўрғон қишлоғида яшовчи Мирсодиқ Тангиров билан ариқда оқаётган сувга талашиб жанжаллашишган. Тан жароҳати олган Мирсодиқ касалхонада даволаниб чиққан бўлса, Одил Норқўзиевга суд ҳукми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Ер билан боғлиқ бу каби можароларга қонуний баҳо берилмоқда, албатта. Ҳар сафар можаро содир этилган ҳудудлардаги қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла қўмиталарида воқеалар моҳиятини атрофлича ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш ва энг муҳими, бундай нохушликларнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин азалий қадриятларимиз ҳисобланган қўшничилик, қон-қариндошлик, кечиримлилик фазилатлари қаёқда қолди? Бу ҳолга мутасаддилар, эл-улус кайвонилари эътибор билан қараб, одамларни қадриятларимиз ва қонунларимизга амал қилишга даъват этишлари зарур.

Зеро, ер талашган эл бўлмас, деган нақл бежизга айтилмаган. Унинг қанчалик ҳақ эканини баён этилган воқеалар ҳам тўлиқ исботлайди.

Муҳсин ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

ТАҚДИМНОМА ТАЪСИРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Жумладан, шу йил 2 апрел куни "ВТО Деҳқонсавдо" ва 22 апрел куни "Искандар СП" корхоналари билан тузилган шартномаларда маҳсулот етказиб бериш ва шартноманинг амал қилиш муддатлари, маҳсулот етказиб берилмаган ҳолатларда мулкий жавобгарлик белгиланмаган.

Бирлашманинг дебиторлик қарзи 10.615 минг сўмга, кредиторлик қарзи 16.469 минг сўмга етган. "Маъмура Дил" хусусий фирмасининг 55 минг, "Деҳқон" хусусий тадбиркорнинг 828 минг сўм муддати ўтган кредиторлик қарзи мавжуд бўлса-да, уни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

"Сайхунобод пахта тозалаш" ОТАЖ ўтган йил пахта ҳосили учун хўжаликларга шу йил 11 майга қадар 511.488 минг сўм тўламаган. 2004 йил ҳосили учун фермер хўжаликларига 110.180 минг сўм бўнак пулидан қарздор. Масалан, 12-транш бўйича бўнакдан 13 фермер хўжаликларига 5200 минг сўм, 7-транш ҳисобидан 997,3 минг сўм, 14-транш бўйича 7 нафар фермерга 2200 минг сўм, 20-транш бўйича 86 нафар фермерга 6061 минг сўм маблағ тўланмаган. Ҳолбуки, контрактация шартномасининг 4.3 бандига кўра, январ, март ойларида 15 фоиз, март, апрел ойларида 25 фоиз, жами 40 фоиз бўнак маблағи тўланиши лозим эди.

Бундан ташқари, ҳиссадорлик жамияти кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартномалар шартини муддатида бажармаган. Айрим хусусий корхона ва тадбиркорларнинг маблағи 2003 йилдан буён жамият елкасида юк бўлиб қолиб кетган.

Сирдарё туманидаги «Бахт пахта тозалаш» ОТАЖ 2003 йил ҳосили учун бу йил июн ойигача ҳам 20 фоизлик ҳисобидан 259,7 миллион сўмни тўламаган. Бу йилги ҳосил учун тузилган шартнома бўйича 30 нафар фермерга траншлар орқали иш ҳақи учун йўналтирилган 22,3 миллион сўм мақсадли бўнак маблағи берилмаган. Экиш учун йўналтирилган бўнак пулидан ҳам 119,7 минг сўми жамият ҳисобида қолиб кетган.

Боёвут туманидаги «Боёвут пахта тозалаш» ОТАЖ эса ўтган йил ҳосили учун 100 фоизлик тўлов ҳисобидан 376 миллион сўмни хўжаликларга бермаган. Турли субъектлардан 250,6 миллион сўм кредиторлик ва 248,5 миллион сўм дебиторлик қарздорлик мавжуд. Шундан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари билан хизмат, иш, маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмагани боис 22509 минг сўм муддати ўтган кредиторлик қарзи вужудга келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-қарори билан **«Тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларига барча жамиятларда ҳам риоя этилмаган.

Шунингдек, контрактация шартномаларининг 4.3 бандида "тайёрловчи" томонидан хўжаликларга харид қилинадиган пахта хомашёси қийматининг 50 фоизи миқдорида бўнак маблағларини босқичма-босқич тўлаб бориш шартлари ҳам тўлиқ бажарилмаган.

Ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгиланишини таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси "Пахтасаноат" худудий бирлашмасига тақдимнома киритди.

Тақдимномага "Пахтасаноат" уюшмасининг Сирдарё вилояти худудий бирлашмаси раиси А.Бойтуллаевдан 24 июлда олинган жавобда шартнома тузиш, кредитор қарзларни узиш бўйича камчиликларни бартараф этиш учун тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилгани айтилган.

"Тақдимномадаги камчиликлар, қонунбузилиш ҳоллари ўз исботини топганлиги сабабли ва ўз вазифасида бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганликлари учун, — дейилади жавобда, — **«Боёвут пахта тозалаш» корхонаси раҳбари А.Аҳмедов, бош ҳисобчиси Б.Қорабоев «Сайхунобод пахта тозалаш» корхонаси бош ҳисобчиси К.Абишевлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди".**

Яна буни қарангки, жамиятлар тақдимнома бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида "Сирдарёпахтасаноат" бирлашмасига жавоб ёзишни унутиб қўйишган экан. Шу боис бирлашма раиси август ойида йўллаган жавоб хатида кўрсатма, хатлар ва буйруқлар бажарилишини ўз вақтида назоратга олмагани учун "Сайхунобод", "Бахт", "Пахтаобод" ва "Турон" корхоналари раҳбарларига иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима қўллангани ва "Боёвут" корхонаси раҳбарига "ҳайфсан" интизомий жазоси эълон қилингани ҳақида хабар берди.

Юқоридаги камчиликларга йўл қўйгани ва топшириқни ўз вақтида бажармаганликлари учун "Сайхунобод", "Пахтаобод" ва "Турон" корхоналари бош ҳисобчиларига нисбатан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима қўлланиб, "Боёвут" ва "Бахт" корхоналари бош ҳисобчиларига "ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Корхона раҳбарлари Э.Ҳакимов, О.Исмоилов, У.Эсонтурдиев, А.Ражабоев, бош ҳисобчилари Х.Шерғозиев, С.Бекназаров, Р.Жўраев, С. Гезик ҳам ана шундай жазога лойиқ кўрилди.

Ушбу тадбирлар чалкашликнинг олдини олиш, қишлоқ соҳасида меҳнат қилаётган деҳқонларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида амалга оширилди. Зора, бундан бошқалар ҳам тегишли хулоса чиқаришса... Ахир, «яхши отга бир қамчи» деб бежизга айтишмаган.

Абдимурот ҚЎЗИЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Декоратив ваколатли парламентлар, одатда, монархия режимига эга бўлган мамлакатларда бўлади. Бундай парламентларни, масалан, Форс кўрфазида жойлашган айрим мамлакатларда кўриш мумкин. На расмий, на амалий ваколати бўлган бундай парламентнинг барча аъзолари, одатда, давлат раҳбари томонидан тайинланади. Декоратив ваколатли парламентлар давлат ишларида баъзи масалаларда тавсиялари билангина иштирок этадилар, холос.

Миллий парламентимиз фаолиятини самарали ва умумэътироф этилган халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш мақсадида Конституциявий қонунларда Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Уларда Олий Мажлис юқори ва қуйи палаталарининг биргаликдаги ҳамда мутлақ ваколатлари доираси ифода этилган. Юқори палата - Сенат ва қуйи палата - Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига, жумладан, Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; турли қонунлар қабул қилиш; ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини тартибга солиш; солиқларни жорий этиш; бир қатор маъмурий-ҳудудий масалаларни ечиш; мукофот ва унвонларни таъсис этиш; Бош вазир номзодини тасдиқлаш каби ваколатлар киради. Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига, хусусан, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш; Конституциявий судни, Олий судни ва Олий хўжалик судини сайлаш; Республика Президентининг тайинлов тўғрисидаги бир қатор фармонларини тасдиқлаш ва шу каби бошқа ваколатлар киритилган. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари қаторига палата Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш; палата депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш каби ваколатлар киритилди.

Мамлакатимиз парламенти Конституция ва қонунларимизда белгиланмаган ваколатларга эга эмас. Айни шу жиҳатлари билан Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Франция Парламенти бир-бирига ўхшаб кетади. Олий Мажлис палаталари ўз фаолиятларини ташкил этишда ҳамда ўзларининг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда тегишли палаталарнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларга риоя этишлари лозим.

Хуллас, ваколатлар тақсимланишига алоҳида ёндашилгани, яъни биргаликдаги ваколатлар, Сенатнинг мутлақ ваколатлари ва Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари аниқ белгилангани икки палата ишининг тўғри ва самарали олиб борилишига йўл очади.

ПАРЛАМЕНТ ТУЗИЛМАЛАРИ

Парламентнинг фаолияти уларда тузиладиган муайян органлар ишининг қай тартибда ташкил этилиши ва улар қандай ваколатларга эга бўлишига чамбарчас боғлиқ. Олий Мажлиснинг умумий бошқарувини таъминлаш ва фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида парламент палаталари раҳбарияти (Сенатда — Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари, Қонунчилик палатасида эса палата Спикери ва унинг ўринбосарлари) сайланади. Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари эса Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали сайланади. Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери тегишли палаталарга раҳбарликни амалга оширадилар.

Бу ерда «Спикер» деган тушунча қўлланилганига эътибор қаратиш керак. Икки палатали парламент тизимига эга бўлган кўпгина мамлакатларда юқори палата билан қуйи палата раҳбарининг бир хил номланиши айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани боис, Қонунчилик палатаси раҳбарини «Спикер» деб аташ маъқул топилди.

Палаталар фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида палата Кенгаши тузилади. Қонунчилик палатаси ва Сенат Кенгашлари, табиийки, бир-бирига ўхшаса-да, айрим жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши таркибига мазкур палатада тузилган фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари ҳам киради. Сенат Кенгашининг таркибида эса, ушбу палатада бундай бирлашмалар тузилмагани сабабли, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари иштирок этмайди.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳам, Сенатнинг Кенгаши ҳам ушбу палаталар мажлислари оралиғида, заруратга қараб йиғилиши қонунда белгиланган. Палата Кенгашлари ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қонунчилик палатасида палата Спикери, Сенатда эса ушбу палата Раиси тегишли Кенгашга раҳбарлик қилади. Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунлар ҳамда палаталар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ижросини назорат қилиш учун қўмиталар тузилади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва аъзолари сайланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталари палатада қонун лойиҳаларини тайёрлаш иши билан ҳам шуғулланади. Сенат қўмиталари ҳам, Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳам ўз палаталари олдида жавобгар ва ҳисобдордир.

Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан, Қонунчилик палатасида эса ўнтадан ошмаслиги керак. Таъкидлаш жоизки, бундай чеклов қонун чиқарувчи ҳокимият ходимларини ҳаддан зиёд кўпайтирмаган ҳолда уларнинг фойдали фаолият олиб боришига қаратилган. Муайян вазифаларни бажариш учун Олий Мажлис палаталари комиссиялар тузишлари ҳам мумкин. Бунда комиссияларни тузишдан кўзланган мақсад ва уларнинг ваколатлари доираси ҳам белгилаб берилади. Комиссиялар зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки тегишли палатанинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади. Депутатлар бирлашмалари Олий Мажлиснинг фақат Қонунчилик палатасида ташкил этилади. Чунки фақат шу палата сиёсийлашган ҳисобланади. Сенат сиёсий партиялар манфаатларини эмас, балки Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бирликлари: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри манфаатларини ифода этади. Унда ҳудудий мансублик асосида бирон-бир бирлашма тузиш қонунга зид ҳисобланади ва бунга йўл қўйилмайди. Мазкур масала бўйича миллий қонунчилигимизнинг фарқли жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб турадилар ва фракция ёхуд депутатлар гуруҳи таркибига киришлари мумкин эмас. Ушбу меъёр, шубҳасиз, Қонунчилик палатасида муайян бир партия ёки гуруҳнинг яккаҳокимлигига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар бирлашмалари, яъни фракциялар ва депутатлар гуруҳлари, ваколатлари бир қадар кенгайтирилиб, улар Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади. Шунингдек, улар Келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисидаги масалани кўяди, палата мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўзларининг фикрларини депутатлар ўртасида тарқатади, қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади, Ҳукумат аъзоларининг фаолияти юзасидан тегишли ахборотни эшитиш тўғрисидаги масалани кўяди.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ

Қонунчилик жараёнига ҳар доим катта аҳамият бериб келиниши бежиз эмас. Ҳамма учун тушунарли, ҳаётий, адолатли, мукаммал ва пишиқ қонунлар яратиш биринчи навбатдаги вазифа деб қаралади. Қонунчилик ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, уни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасининг парламент (унинг палаталари)даги муҳокамаси ва у бўйича муайян қарор қабул қилиниши, қабул қилинган қонуннинг имзоланиши ва эълон қилиниши. Конституциямизнинг 83-моддасига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурор эга.

Бундай ҳуқуқ қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг айнан номлари зикр этилган субъектларга берилишида чуқур маъно бор. Негаки, мазкур субъектлар умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилишга бевосита алоқадордир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг бўлажак икки палатали парламент тизимида Олий Мажлиснинг Сенати, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Шу ўринда савол тўғилади. Хўш, нима учун қуйи палата қабул қилган қонунларни маъқуллайдиган ёки рад этадиган, давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қиладиган сенаторлар бундай ҳуқуққа эга бўлмайди? Тўғри, кўпгина ривожланган давлатлар парламентида ҳар иккала палата аъзолари қонунчилик ташаббусига эга. Лекин парламент тажрибаси бу ўзини оқламаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, айрим экспертлар бу амалиётни нотўғри деб баҳоламоқдалар. Бизда иккала палата ўртасида у ёки бу қонунни қабул қилишда ўзаро тил бириктириш ёки келишувчанликка йўл қўймаслик нуқтаи назаридан, Сенат ва сенаторларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмайди.

Қонун лойиҳаси чуқур таҳлил ва ўрганишни тақозо этади. Тайёрланган ҳар қандай қонун лойиҳаси аввал қуйи — Қонунчилик палата депутатлари муҳокамасидан ўтади. Депутатлар уни қабул қилгандан сўнг парламентнинг юқори палатаси — Сенатга юборилади ва мазкур палата аъзоларининг тасдиғидан ўтади. Сенат рад этган қонун ҳужжати Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Албатта, парламент икки палатадан иборат бўлганидан кейин улар ўртасида қонунларни қабул қилиш ва маъқуллаш жараёнида келишмовчиликлар чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда, қонунда белгиланганидек, палаталар ўртасида тенглик асосида келишув комиссияси тузилади. Шу ўринда эътироф этиш керакки, келишув комиссияси деган тушунча миллий қонунчилигимизга биринчи маротаба кириб келаяпти. Парламент палаталари муҳокамаси ва тасдиғидан ўтган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Республика Президентига юборилади. Президент қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақлидир. Қолаверса, бундан буён, қонун лойиҳаларини биринчи, иккинчи ўқишда қабул қилишдан ташқари, ҳатто учинчи ўқишда қабул қилиш институти ҳам пайдо бўлиши қонунчилик жараёнидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлади, дейиш мумкин.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида қонуннинг қабул қилиниши ишимизнинг ярми эканлигини, уларни ҳаётга тадбиқ этиш эса ишнинг қолган қисми эканини асосли равишда таъкидлаган эдилар. Жаҳон парламентчилиги фаолиятида ҳам унинг назорат функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан, АҚШда қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни Конгресс ижроия ҳокимиятининг фаолиятини яқиндан текшириди ва назорат қилади. Конгрессда иккита назорат қўмитаси фаолият юритиб, бордию мавжуд қонуннинг ижроси билан боғлиқ муаммо пайдо бўлса очиқ ошкора бу ҳақда ахборот берилишини ташкил қилади. Буюк Британия парламенти таркибида ҳам назорат қўмиталари бор. Улар ҳам ижроия маҳкамалари вакиллари олдига турли хил саволлар қўйишлари мумкин.

Бизда икки палатали парламент тизимида парламент назоратининг самарасини ошириш учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди, хусусан, парламентнинг қонунларнинг қай даражада ижро этилаётганини аниқлаш ва бу борада тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқи қонунда аниқ белгилаб қўйилди.

Бу эса қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг адолатли қонунлар яратишдаги ҳаракатини таъминлабгина қолмай, маъқулланган қонунлар ва Сенат томонидан чиқарилган қарорлар ижросини қатъий назорат қилиш имконини ҳам яратади. Қонунда қонунчилик палатаси ва ушбу палата депутати, Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Илгари фақат депутат сўрови бўлар эди. Энди қонун чиқарувчи ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг мувозанатини янада яхшироқ таъминлаши учун ҳам парламент сўрови институти жорий этилди. Фикримча, парламент назоратини амалга оширишнинг мақсадларини шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Булар — қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва шароитларни аниқлаш; ҳар бир ҳуқуқий меъёрнинг аниқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш; қонундаги камчиликни зудлик билан бартараф этиш; қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлаш. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, парламент назорати кимнидир ёки қайсидир мансабдор шахсни жазолаш учунгина эмас, балки қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигига эришишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз белгилаб берган йўналишга мувофиқ, демократик асосдаги икки палатали парламентга ўтиш учун барча шароитлар яратилди. Ишонамизки, янги парламентда қабул қилинадиган ҳар бир қонун ҳужжати фуқароларнинг хоҳиш-иродасини тўлиқроқ ифодалайди, турли сиёсий кучлар манфаатларини ўзида мужассамлаштиради, демократик қадриятлар янада мустаҳкамланади.

Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси
(ЎзА)

Sud islohotlari

Мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун барча соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

ЖАЗО ЭМАС, ТАРБИЯ УСТУВОР

Хусусан, **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши суд ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида салмоқли қадам бўлди. Мазкур қонун қонунчилигимизда адолат ва инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтирди. Зеро, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг 26 та моддасида кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди. Бу ўз навбатида, Жиноят Процессуал кодексини ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш ҳақидаги 62-боб билан тўлдирилишига асос бўлди. Унда тергов, суд жараёнида, юқори суд инстанцияларида ярашувни амалга ошириш тартиби белгилаб берилди. Бу эса фуқаролар ҳаётида ўчмас из қолдираяпти. Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Салим Шомуродов шу йил 9 июл куни тахминан соат 18.30 ларда ўзига тегишли бўлган "ВАЗ-21011" русумли автомашина билан вояга етмаган Ситорабону Ҳузуровани уриб юборган. Натижада Ситорабонуга ўрта оғир даражада шикаст етказилган.

Салим Шомуродов судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганини тан олди. У Ситорабонуни дарҳол касалхонага олиб бориб, даволаниш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаган. Шу боис у билан ярашган жабрланувчи Дилором Одинаева ҳам суд мажлиси жараёнида судга илтимоснома киритди. У судланувчи Салим Шомуродов қизининг даволаниши учун кетган барча харажатларни ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ҳозирги пайтда ярашиб кетганини инобатга олиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраган.

Суд томонларнинг ярашганини, Салим Шомуродовнинг муқаддам судланмаганини, айбига тўлиқ иқрорлигини ҳисобга олиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Истибдод даврида ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат учун инсонга шафқатсизларча оғир жазо қўлланилган. Яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсак, жабрланувчи кечса ҳам, давлат даъводан кечмаган. "Судланган", "қамалиб чиққан" деган тамға билан яшаган фуқаролар ўзини ўнглаб олишга, одамларга қўшилиб кетишга, жамиятга нафи тегишига аксарият ҳолларда кўзи етмас эди. Чунки шафқатсиз жазо, ноинсоний усуллар одамларни руҳан эзиб ташлар, тушкунликка тушираради. Шу боис улар кўпинча такрор жиноят кўчасига кирар эди.

Мустақиллик йилларида суд жазоловчи эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идорага айланди. Зотан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиш моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда, биринчи навбатда, шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Мазкур қонунга асосан жиноят ишларини кўриш жараёнига киритилган ярашув институти инсон тақдирини ҳимоялаш воситаси сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда яна мисолга мурожаат этадиган бўлсак, шу йил 17 май куни Олим Бозоров жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан 10.880 сўм жарима жазоси тайинланган. Афсуски, мазкур жазо у учун сабоқ бўлмади.

У шу йилнинг 3 июл куни соат 14.30 ларда уйида турмуш ўртоғи Робия Обидова билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Ҳеч бир сабабсиз хотинини уриб, унга енгил даражада тан жароҳати етказади. Ушбу ҳолат бўйича Олим Бозоровга нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Унинг қилмиши бўйича иш шу йил 16 августда жиноят ишлари бўйича шаҳар судида кўриб чиқилди.

— Судланувчи Олим Бозоров билан жабрланувчи Робия Обидова ярашгани туфайли Жиноят кодексининг 66-1-моддасига асосан судланувчини жавобгарликдан озод қилиб, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси Иброҳим Жабборов. — Бунга сабаб айбдор жабрланувчи билан ярашгани, етказилган зарарни қопланганги, қилмишидан пушаймонлигидир. Судда Робия Обидова соғлиғининг яхши эканини, айбланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этди. Қувончлиси шундаки, бу оила ҳозир аҳил, тотув яшаяпти.

Кўриниб турибдики, ярашганлик муносабати билан фуқароларимиз нафақат жазодан, балки судланганлик тамғасидан ҳам халос бўляпти.

Айби кечирилаётган фуқароларимиз кўрсатилаётган инсонпарварлик, берилаётган катта имкониятлардан оқилона хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўл танлаши ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлари лозим.

Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mavzuga qaytib

КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

"Инсон ва қонун" газетасининг шу йил 14 сентябр сонида "Бинонинг эгаси ким?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти "Матлуботсавдо" компаниясининг кузатув кенгаши қарори билан Бойсун туманидаги улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли озиқ-овқат дўкони амалдаги қонунларга зид равишда "Истиқлол" хусусий фирмасига сотиб юборилгани баён қилинган эди. Гап шундаки, ҳиссадорлик бирлашмаси таркибидаги "Шабнам" минимаркети 2003 йил 13 октябр куни «Халқбанки»нинг Бойсун туман бўлимида ана шу озиқ-овқат дўконини гаровга қўйиб, 8 миллион сўмлик кредит олган.

Савдо дўкони туман ер ва бино иншоотлари давлат кадастри томонидан 10 миллион 961 минг сўмга нархланиб, Бойсун туман давлат нотариал идорасида 2001 йил 16 октябр куни 14-сонли рақам билан қайд қилинган. Барча ҳужжатлар кредит бўлимига топширилиб, қарзни қайтариш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Шабнам" мини маркетига 8 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. Бу орада вилоят "Матлуботсавдо" компаниясининг кузатув кенгаши амалдаги қонунларга зид равишда ўз қарори билан бинони икки мижозга икки хил нархда, ҳатто ярим нархдан ҳам паст баҳода сотиб юборади. Амалдаги қонунларга кўра, гаровга қўйилган мулк фақат ушбу бино ёки иншоот жойлашган тумандаги нотариал идораси томонидан тасдиқланади. Шунга кўра, гаровга қўйилган мулк сотиш учун қайта нархланиши ҳамда нотариал идораси томонидан қайта тасдиқланиши лозим эди.

Газетада ана шулар ҳақида ёзилганда, биз ана энди адолат қарор топади, деб ўйлаган эдик. Афсуски, ундай бўлмади. Газетада мақола эълон қилингач, "Истиқлол" хусусий фирма ходимлари бинога эгалик қилиб олинди. Бир неча кунда ушбу бино томлари бузиб ташланди. Ҳозир эса қайта таъмирлаш ишлари бажарилаяпти. Банкдан олинган 8 миллион сўмлик кредитни қайтариш муддати тугади. Гаровдаги мулк эса ноқонуний равишда ўзгалар томонидан эгаллаб олинди.

Хўш, бунга ким айбдор? Давлатдан олинган қарз учун гаровга қўйилган мулкни бировга сотиш ёки бинонинг нархини энг паст баҳода нархлаш қонунбузарлик эмасми? Жамиятнинг ҳар бир аъзоси у ким бўлишидан қатъи назар, давлат қонунларига риоя этиши лозим. Мутасадди идоралар бу ҳолни қандай изоҳлашар экан?!.

Иноят ХУДОЙҚУЛОВ,
«Халқ банки»нинг Бойсун туман бўлими ҳуқуқшуноси

Jinoyatga jazo muqarrar

Бу мудҳиш воқеа билан боғлиқ суд ҳужжатларини хотиржам ўрганиш ниҳоятда оғир. Ўрганиш жараёнида беихтиёр қалбинг ларзага келади. Наҳотки, шу ишни инсон боласи содир қилган бўлса, деб даҳшатдан ёқангни ушлайсан, киши.

ЁМОНЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

СУД ОЧЕРКИ

Мухторнинг (исмлар ўзгартирилган) қўлида гулдай ҳунари бор: ғишт териш, сувоқ қилиш каби ишларнинг жуда машқини олган. Ўз туғилган юртида шу ҳунари орқасида дурустгина ҳаёт кечириб, рўзғорини бинойидек тебратиб келаётган эди. Бир танишидан сенга ўхшаган қурувчилар Тошкентда жарақ-жарақ пул ишлаяпти, деганини эшитди-ю, оромини йўқотди. Хотини қанчалик қаршилик кўрсатмасин, Тошкентга йўл олди.

Бу ерда у Баҳодир исмли ўзи сингари бир йигит билан танишди. Гапи гапига мос келиб қолгани учун биргалашиб ишлай бошладилар.

Баҳодир анча гапга чечан бўлгани учун иш топишга уста эди. Ўзи қўлидан унча яхши иш келмасада, одамнинг енгидан кириб қўйнидан чиқар, энг хасис кишининг ҳам юрагига йўл топиб, баландроқ ҳақ ундиришга эришар эди. Мўмайроқ пул топганларида ўзларича "базми жамшид" қилишар, бундай пайтларда дилидагини бир-бирига очиб, кўнглини бўшатиб олишар эди.

Мухтор шундай пайтларда доимо очилиб-сочилиб кетадиган Баҳодирнинг оиласи, бола-чақаси ҳақида гап кетганда мум тишлаб қолишин кўриб ҳайрон бўларди. Фақат бир кун у Баҳодирнинг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб, яна оиласи ҳақида сўради.

— Хотиним, икки ўғлим, бир қизим бор, — деб жавоб берди Баҳодир.

— Хотинингизга яхши кўриб уйлангансизми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, кинолардагидай ойдин кечаларда қўлтиқлашиб, юрган экансизлар-да?

— Унчаликмас-у, аммо соя-салқин жойларда айланиб юрганмиз.

— Кейин совчи юборгансиз, шундайми?

— Шундай, лекин бўлажак қайнотам қизини менга бергиси келмади.

— Нега?

— Уйи йўқ экан, дейишди. Хуллас, тўйдан кейин дарҳол уй оламан, деб ваъда бердим. Иннакейин рози бўлишди.

Мухтор унинг гапга ниҳоятга чечанлигини, ўрни келиб қолса, ёлғонниям тап тортмай гапириб юбораверишни мумкинлигини билгани учун ажабланмади.

— Энди билсам, розилик бермаганида дуруст бўлар экан. Мана энди ялло қилиб юриш ўрнига хотинни ва яна бир этак болани боқиш учун елкамнинг яғирини чиқариб ишлаб юрибман, — дея Баҳодир шишанинг тагида қолган ароқни пиёлага қўйди-да ютоқиб ичиб юборди. Ароқнинг захриданми ё жаҳли чиққаниданми юзи қизариб, пешонаси тиришди. Қон томирлари бўртиб чиқди. Ўрнидан шаҳд билан турди-да, сомон ташийдиган бўш челакни шарақлатиб тепиб юборди.

Мухтор Баҳодирнинг хотин-бола-чақасидан бутунлай кўнгли совуғанлигини сезди.

Шу тариқа улар ишлаб дурустгина пул топишар, бироқ пулларини эса уйига, оиласига жўнатиш ўрнига ичкиликка, суюқ аёллар билан маишат қилишга сарфлашга ўрганиб қолишди. Бундай кайф-сафо қилмишларнинг «ташкилочиси» Баҳодир бўлиб, Мухтор эса унинг айтганларини қулоқ қоқмай бажарар эди. Бу орада Мухторнинг қишлоғидан одам келиб, иложи борича тезроқ уйга пул жўнатиши лозимлигини айтганида, унинг боши қотиб қолди. Ишлаб топган пулини бир кечада сарфлаб улгурган, уйга жўнатиш учун бир мири ҳам қолмаган эди. Мухтор бир ҳафтада қайтараман, деб Баҳодирдан қарз олиб уйига жўнатди. Лекин орадан бир ҳафта, икки ой ўтса ҳамки, қарзини қайтара олмади. Баҳодирнинг сўзамоллиги туфайли унинг таъсирига тушган Мухтор энди унинг чизган чизиғидан чиқмайдиган бўлиб қолди.

Бу орада Баҳодирнинг хотини Дилнура касалманд ўғлини даволатиш учун эрининг олдига келди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mushohada

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Раҳбар ва раҳбарлик фазилатлари ҳамма замонларда ҳам долзарб масала бўлиб келган. Мамлакат, Ватан равнақи унинг фазилатлари билан уйғун ҳолда тушунилган. Тарихда шундай раҳбарлар бўлганки, уларнинг саъй-ҳаракатлари, инсоний фазилатлари, ишбилармонлиги билан халқ фаровон турмуш кечирган. Айримлари эса тараққиётга эмас, аксинча, беқарорликка, бошбошдоқликка сабаб бўлган. Миллий-маданий меросимиз илдизларига эътибор қаратадиган бўлсак, "фозил раҳбар" тўғрисида қимматли ва ибратли сўзлар битилган.

Аллома Фаробий ёзганидек, **бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятлар ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга эҳтиёж туғилади. Ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажаришга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди**. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур "тузуклар"ини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этар экан, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида қонунни устувор йўлга қўйишни мўлжаллаган ва ўз навбатида, раҳбар олдида турган масъулият ҳам унутилмаган: раҳбар биринчи галда адолатли бўлиши, ҳар бир масалада холисона ва қатъий фикр юритиши, қизиққонлик қилмаслиги лозим эканини кўрсатиб ўтган.

Раҳбарлик улкан масъулият демакдир. Етакчи бошқаларга нисбатан узоқни кўра билиши, нафақат бугунги, балки эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажак ташвиши билан умргузаронлик қилиши зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, **раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг асосий, энг муқаддас вазифаси уларни тарбия қилган, билим берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртига виждонан, ҳалол хизмат қилиш ва доимо зиммасига олган юксак масъулиятни сезиб, ҳис этиб яшашдир.**

Бундан ташқари, одамларга, шу жумладан, ёш авлодга меҳрибон бўлиш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатиш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. Юсуф Товаслийнинг "Ҳикматлар хазинаси" китобида бу ҳақда шундай дейилади: "Янги тайинланган ҳоким ҳазрати Умар (р.а) ҳузурида эди. Халифадан тегишли ҳужжатни олаётган пайтида бир бола кириб келди. Халифа уни хуш кутиб, юзидан ўпди. Бола ҳазрати Умарнинг қучоғига бориб ўтирди. Ҳоким боланинг халифа ва бошқаларга алоқаси йўқлигини билиб, бу тариқа эркаликни ёқтирмади ва:

— Ё амирал мўминин! Сиз болаларни севиб ўпасизми? Менинг тўққизта фарзандим бор, уларнинг ҳеч бирини шу кунга қадар эркалатмаганман, — деди.

Буни эшитган ҳазрати Умар:

— Қани ҳокимлик ҳужжатини қайтариб бер, — дедилар ва уни йиртиб ташладилар.

— Ҳокимликка нолойиқ экансан, — деди ҳазрати Умар, — кимки ўз авлодига марҳамат кўрсатмаса, ҳеч қачон халқига ва уларнинг фарзандларига марҳамат қилмайди".

Бугун юртимизда ҳуқуқий давлат, эркин жамият қуришга, шунингдек, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш, унинг ақл-заковати ва қобилияти, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Шундай экан, мамлакатимизда раҳбар лавозимларига ўз устида ишлайдиган, қонун устуворлиги ва унинг талаблари барча учун баробар эканини яхши англаб етувчи малакали кадрлар лозим. Мазкур конституциявий қоидага риоя қилиш раҳбарнинг маънавиятига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, демократик жамият талабларига жавоб берадиган раҳбарлар зарур. Зеро, бошқарувни демократиялаш раҳбарлар зиммасига муҳим вазифаларни юкламоқда. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, **энг муҳими, раҳбар, мен ўзимга юклатилган вазифани адо этиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим, изланишим керак, деган фикр-туйғу билан, эзгу интилиш ва пок ният билан яшаши лозим.** Бироқ ҳозир ҳам айрим раҳбарларнинг ўз фаолиятида халқимизнинг мақсад ва муддаоларига тўғри келмайдиган баъзи салбий қусурлардан халос бўлолмаётгани Андижон, Сурхондарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларда аниқ кўрсатиб берилди. Булар: адолатсизлик, ўз манфаатини кўзлаш, фуқаролар ҳақига хиёнат, масъулиятсизлик, бошқаларга беписандлик билан қараш, манманлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик билан боғлиқ камчиликлардир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **раҳбар қачон эл-юр

Saboq

“ИШГА ТИКЛАНСИН!..”

судларнинг ана шундай қарори билан низо бартараф этилмоқда

Фуқаролик жамияти қуриш сари борар эканмиз, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, кундалик оилавий турмушда ҳам, ишда ҳам, фуқароларнинг ўзаро муносабатларида ҳам, ҳатто кўча-куйда, хуллас, ҳар бир қадамда қонун устуворлигини кўрамиз. Меҳнат низолари ва уларнинг қонун асосида ҳал этилиши ҳам ана шулар жумласига киради.

Кейинги пайтларда меҳнат низоларининг ортаётганини ишчи-хизматчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини янада чуқурроқ англаб, тушуниб етаётгани билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга айрим иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги яққол сезилиб қолмоқда. Бу эса умумий ишнинг олдинга силжишида панд бермоқда.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, даъвогар Ойтожи Хожимуратова Хўжаобод туманида узоқ йиллардан буён раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. У охирги пайтда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Хўжаобод шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган. Кейин эса мутасаддиларнинг тавсияси билан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директорлиги вазифасига таийнланган.

Янги раҳбар ишни яхши бошлади. Бу борада айниқса, унинг катта ҳаётий тажрибаси жуда қўл келди. Дастлабки кунлариданоқ ўқувтадбир ишларини йўлга қўйишга интилди. Ўқув ишлаб-чиқариш устахонасини таъмирлатди. Елиб-югуриб, ўқувчиларга қўшимча мутахассисликлар учун ўқув курслари ташкил этди. Ҳайдовчилик, агрономия, ипакчилик, агроном, бухгалтерия, ДАН бўйича контракт асосида сиртдан ўқийдиган курслар фаолиятини йўлга қўйди.

Шундай ғайрат билан ишлаётган бир пайтда коллежнинг молиявий аҳволи текширишдан ўтказила бошланди. Айни шу пайтда ҳали суриштирув ишлари бошланмай туриб, ундан мажбуран ариза ёздириб олинди. Сўнг вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғига бу ҳақда билдириб унинг буйруғи асосида вазифасидан озод қилинди.

Мутасаддиларнинг бундай ғайриқонуний йўл тутишидан норози бўлган Ойтожи Хожимуротаво фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилди. Ўз навбатида суд бу имзога қонуний баҳо берди.

Шуни айтиш керакки, даъвогар Ойтожи Хожимуротова эгаллаб турган лавозимидан бўшатишни сўраб, 2003 йил 18 июнда ариза берган. Бироқ Меҳнат кодексининг 99-моддаси 3-қисмига асосан ходим меҳнат шартномасини икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг ходим ишни тўхтатиши, иш берувчи эса унга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт. Мазкур модданинг 3-қисмига кўра эса, агар огоҳлантириш муддати тугаганидан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шунинг учун ҳам суд томонидан Ойтожи Хожимуротова яна коллеж директорлик вазифасига қайта тикланди. Жавобгар вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳисобидан 537199 сўм даъвогарга мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундирилди. Бошқарма бошлиғи М.Назаровдан даъвогар О.Хожимуротова фойдаисга 10.000 сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Энди қонун асосида ишлашга ўрганадиган давр келди. Ким қонунни билмаса, раҳбарми, ходимми қатъи назар, ютқазиб қўяверади. Қонун эса ҳар қандай адолатсизлик илдизига болта уради. Меҳнат низолари ҳам фақат қонун асосида суд орқали ҳал этилади.

Муроджон ОРИПОВ,
Андижон вилояти

Mulohaza uchun mavzu

Халқимиз болажон халқ. Ҳар биримиз ўғил-қизларимизни ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказсам, тўйларини кўрсам, деб ният қиламиз. Тўй қилиш, эл-юрт олдида дастурхон ёзиш энг катта орзуларимиздан бири десак, янглишмаймиз. Бироқ ҳаётда баъзан ана шундай орзу-ҳавасни суиистеъмол қилаётган, тўй ўтказаман, деб ортиқча дабдабавозликка йўл қўяётган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳар нарсада меъёр, тартиб бўлса, у кўнгилдагидек кечиши мумкин. Бироқ беш бармоқ баробар бўлмагани каби ўзини элга кўз-кўз қилгувчилар ҳам учраб турадики, оқибатда...

ФАЙЗУ БАРАКА МЕЪЁРДА

Шоду хуррамлик билан бошланган тўй ҳеч кутилмаганда азага айланди. Не-не орзу-умидлар билан тўй қилиб, элнинг олдидан ўтаман, деган ота-онанинг нияти ушалмади.

Никоҳ маросимида йигирмата автомашина бўлиши шарт деб оёқ тираб олган келин-куёвнинг инжиқлиги, ота-онанинг “ҳотамтой”лиги ана шундай фожиани келтириб чиқарди. Зиёфатда спиртли ичимлик ичиб олган куёвнинг оғайнилари машинага ўтириб, кўчада шовқин-сурон билан пойга уюштиришди. Келинникига йўл олган машиналар карвони йўлда автоҳалокатга учради. Натижада бир неча киши вафот этди. Сохта дабдаба, тўқликка шўхлик оқибатида ана шундай аянчли воқеа рўй берди. Ҳақли савол туғилади: ўйинқароқ ёшлар ўз йўлига, лекин ана шу воқеаларни кўриб-билиб турган катталарнинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Қолаверса, маҳалла-кўй, қайвонилар ва бошқа мутасаддилар қаёққа қарашган? Ахир, маҳалла оқсоқоллари, хурматли нуронийлар бундай иллатларнинг олдини олишлари мумкин-ку?! Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, тўй-маросимларни ортиқча дабдабаларсиз, ихчамгина қилиб ўтказиш юзасидан Президент Фармони ҳам қабул қилинган. Бироқ баъзи жойларда бу борада олиб борилаётган ишларни эса қониқарли деб бўлмайди. Бир ўйлаб кўринг-а: кимга керак ортиқча мақтаниш? Ахир, икки ёшнинг бахтли бўлиши бунга боғлиқ эмас-ку? Аксинча, маънавий бойлик устунлиги, уни намоён этиш чиройли ҳаёт асоси эканлиги оддий ҳақиқат-ку? Нега биз шуни англаб етмаймиз? Тўй-маросимларни ихчамгина, тартибли ўтказиб, ёшларнинг келгусидаги мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишида кўмаклашсак, яхши эмасми?

Чунки ёшлар келажагимиз эгалари. Уларнинг соғлом ва тинч ўсиб-улғайишлари, бахтли ҳаёт кечиришлари учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Шу боис ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар бир масалага жиддий ёндашишимиз зарур. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



Шаршара тароватн

Taqdir tarixi

ДУНЁНИ МАФТУН ЭТГАН АЁЛ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)



1963 йилнинг 9 август куни Кеннедилар оиласи бошига оғир кулфат тушади. Яқинда дунёга келган учинчи фарзанд ҳам нобуд бўлади. Тақдирнинг бу зарбасидан эр-хотин қаттиқ изтироб ичида қолади. Айниқса, Жон Кеннеди бу мусибатни ўзига жуда қаттиқ олади. Чунки у ўғли туғилишини сабрсизлик билан кутаётган, ҳатто унга олдиндан исм ҳам топиб қўйган эди. Бироқ қисматнинг ҳукми олдида у ожиз қолади.

Яна шуниси қизиқки, оила бошига мусибат тушган ўша кунлари Жаклин шифохонадан чиқаётиб, кутилмаганда эрига узоқ тикилиб қолади ва беихтиёр “Жон, мен сени ҳам йўқотиб қўйишдан қўрқаяпман” дейди аллақандай қўрқувга тушган куйи. Ўшанда Жаклин тўсатдан нега бундай деганини ўзи ҳам тузук-қуруқ тушунтириб беролмайди.

Аммо орадан кўп ўтмай шундай бир мудҳиш воқеа рўй берадики, бу нафақат Жаклинни, балки бутун дунёни ларзага солади.

Қисқаси, айни ўша кезларда Жон Кеннеди навбатдаги президентлик сайловига қизғин тайёргарлик кўраётган, халқ билан бир қатор учрашувлар ўтказиш режалаштириб қўйилган эди. Ана шундай учрашувлардан бирини Далласда ўтказиш мўлжалланди. Мана шундай оғир ва масъулиятли дамларда эрига руҳан мададкор бўлиш мақсадда Жаклин хоним ҳам 1963 йилнинг 21-ноябрида Техасга йўл олади.

... Ўша кун ҳаво рутубатли эди. 22-ноябрга ўтар кечаси ёмғир эзиб ёққан, фақат эрталабга бориб хиёл тинган эди.

Фожеа рўй берган кун президент Жон Кеннеди барвақт уйқудан уйғонган, унинг фикру хаёли бўлажак учрашув билан банд эди. Хотини Жаклин эса халқ олдига чиқиш учун пардозандоз қила бошлади. Кўп ўтмай улар йўлга тушишди. Президент кортежи тумонат одам тўпланган Грейд-маркет майдонига кириб келади. Халқ президент ва унинг рафиқасини олқишлар билан қарши олади. Президент лабида табассум билан одамлар ўртасидан ўтиб бораркан, кутилмаган мудҳиш воқеа рўй беради. Қаердандир ўқ овози эшитилади ва президент Жон Кеннеди қонга бўялиб, **“Вой Худойим, мени отишди”** дея хотинига юзланди. Жаклин эрининг бошидан оқаётган қонни кўриб, **“Эй худойим, нима бўляпти ўзи, улар президентни ўлдиришди, улар эримни ўлдиришди. Худойим, Жек, Жек, Жек, мен сени яхши кўраман”** дея бақиради. Бу Жон Кеннеди эшитган сўнгги сўзлар эди.

Дафн маросими куни Жаклин якка-ю ёлғиз ўғли кичик Жонга «Отанг билан видолашгин, ўғлим», дея имо қилади. Бу дунёда қандай мусибат рўй берганини ҳали тўлиқ англаб етмаган икки ёшли гўдак бир қадам олдинга юради ва отасининг жасади солинган тобутни олиб кетилаётган арава ортидан унсиз тикилиб қолади...

Эрининг фожеали ўлимидан сўнг Жаклин Бостонда **“Жон Кеннединг хотира кутубхонаси”ни** ташкил этади. Албатта, АҚШ ҳукумати ҳам марҳум президентнинг оиласини ташлаб қўймайди, балки алоҳида ғамхўрлик сифатида махсус қўриқлаш хизмати ажратиш ҳамда йилига 25 минг доллар миқдорида ижтимоий ёрдам беражагини маълум қилади. Бироқ ҳаётда Жон Кеннединг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмасди. Энг ёмони, бу фожиа Жаклиннинг ҳаётини остин-устун қилиб ташлайди. Унинг ҳаётдан буткул кўнгли совуган, ҳеч нарсага қизиқиш сезмас, гўёки у аста-секин сўниб бораётган шамга ўхшарди. Аммо Кеннедилар авлоди ҳали сиёсат саҳнасини бутунлай тарк этгани йўқ эди. Жумладан, акаси бошлаган ишларини давом эттириш, энг асосийси, етим қолган икки норасида гўдакка оталик меҳрини беришни Роберт Кеннеди ўз зиммасига олади. Бир томондан, Жаклинга Роберт акасини эслатиб турарди. Буни қарангки, ака-ука Кеннедиларнинг нафақат феъл-атвори, балки тақдири ҳам ўхшаш экан. Орадан кўп ўтмай Робертга нисбатан ҳам вахшиёна суиқасд уюштирилади. Олти соат ўлим билан олишган Роберт охир-оқибат жон таслим қилади. Рўй бераётган бу фожеалар Кеннедилар авлодига қарши аёвсиз уруш эълон қилинганини англатар эди. Роберт Кеннединг фожеали ўлимидан сўнг Жаклин бутунлай ҳимоясиз ва суянчиқсиз қолади. У қаттиқ қўрқувга тушиб қолган, уйдан ташқарига чиқишга юраги дов бермас, ҳатто болаларини ҳам мактабга боришга ҳам рухсат бермай қўйган эди. Иккинчи томондан, рўй бериб ўтган бу мислсиз йўқотишлар унинг руҳиятида оғир из қолдирди. У аламини ичкилик ва чекишдан ола бошлади. Ўша кезларда Жаклин грек мультимиллионери Аристотел Онассис билан айш-ишрат қилиб юргани ҳақидаги хабар бутун дунёга ёйилди. Президент Жон Кеннедига алоҳида ҳурмат билан қарайдиган одамлар Жаклиннинг бу ҳаракатларини ўта нохуш қабул қилади. Онассис жиноятқорона ҳаракатлари эвазига катта бойлик тўплаган эди. Уни “халқаро денгиз қароқчиси” деб аташарди. Ҳаммани ҳайратга солган томони ҳам шундаки, қандай қилиб Жаклин сингари нозик дидли аёл олтмиш ёшни уриб қўйган қариягa турмушга чиқиши мумкин?!.

Бироқ Жаклин азбаройи фарзандларининг келажаги, уларнинг ҳимояси учун шундай қисматни бўйнига олишга мажбур эди. Аристотел унга бойлик эмас, балки ишончли ҳимояни таклиф қилган эди. Бу фикрни шахсан Эдвард Кеннеди ҳам маъқуллаб, **“Онассис Жаклин учун ҳимоя ва умид манбаи эди”** деган эди.

Келининг турмушга чиқаётганини эшитган марҳум президентнинг онаси Роза хонимнинг ҳам юраги қаттиқ эзилади. Бироқ у сир бой бермай Жаклинга қўнғироқ қилиб, бахт-саодат тилайди-да, телефон гўшагини қўйиши билан **“Эй, худо, гуноҳим нима эди”**, дея ҳўнграб йиғлаб юборади. Ўша кун нафақат Роза хоним, балки бутун Америка йиғлайди.

Қисқаси, 1968 йилнинг 7 октябрида 39 ёшли Жаклин 60 яшар қария Аристотел Сократ Онассис билан умр йўлини боғлайди. Шуниси қизиқки, Жаклин Онассис билан Кеннеди ҳаётлиги пайтида ҳам муносабати ёмон бўлмаган. Агар Кеннеди ўлмаганда ҳам Жеккининг Аристотелга турмушга чиқиш ёки чиқмаслиги фақат унинг ўзигагина аён эди. Аммо Жаклин бирор марта ҳам бу ҳақда оғиз очмаган.

Аввалига уларнинг ҳаёти бир маромда кечади. Кўз очиб юмгунча ортда қолган етти йиллик ҳаёти давомида улар Париж, Италия, Греция бўйлаб саёҳатдан бўшашмаган. Онассис рафиқаси Жаклиннинг ўзига ҳар йили 20 миллион доллар сарф қиларди. Буни ҳайратланарли жойи йўқ. Чунки гўзал Жаклин хоним бир магазинга кириб, ўн дақиқа ичида юз минглаб долларларни қўкка совурарди. Шу боис ҳам Онассиснинг қизи Кристина ўгай онасини ёмон кўрар эди. Кейинчалик Аристотелнинг ўзи эса бир кунмас бир кун хонавайрон бўлиб қолишидан чўчиб, Жаклин билан ажралиш пайига тушиб қолганди. Бунинг устига Онассисни ягона ўғли Александрнинг бевақт вафот этиши (самолётда ҳалокатга учрайди) буткул адойи-тамом қилганди. Аслини айтганда, у ўғлининг бевақт хазон бўлган умрига эмас, балки йиллар давомида йиққан мол-давлатини кимга мерос қилиб қолдиришни билмай юраги қон бўларди. Бу дард охир-оқибат унинг бошига етди. У 1974 йилнинг 15 мартида ёруғ оламни тарк этади. Аристотел ўлим тўшагида ётган пайтда ҳам ёнида хотини йўқ эди. Жаклин хоним дафн маросимига ҳам алоҳида тайёргарлик кўриб, римлик машҳур моделер Валинтинога қимматбаҳо либослар тикишга буюртма беради. Тақдир Жаклин Кеннедини яна бева қолдирди. Лекин у Онассис билан ўтказган яхши-ёмон кунларидан сира афсусланмас, аксинча, ундан миннатдор эди.

Умрининг сўнгги йилларини Жаклин Париж кўчаларида, музей, кино, театр ва гўзаллик салонларида ўтказади. Қаерга бормасин, барча у билан бир бор юзма-юз учрашишга, дастхат олишга, унга қараб модалар яратишга ошиқишар эди. Ҳақиқатдан ҳам, дунё аёллари Жаклин Кеннедига қараб кийим танлашар, ўзларига зеб беришарди. Бундан ташқари, Жекки “Викинг Пресс” нашриётида бир неча йил бош муҳаррир вазифасида ҳам фаолият олиб боради. Лекин нашриёт ходимларининг ўзи ҳақда китоб ёзиш таклифига розилик бермайди. Жаклин Бувье Онассис Кеннеди 1994 йилнинг 19 майида рак касаллиги оқибатида 64 ёшида вафот этади (айрим маълумотларга қараганда, касаллик турли хил соч буёқларидан меъёридан ортиқ фойдаланган туфайли келиб чиққан). АҚШдаги Арлингтон миллий қабристонида Жаклинни сўнгги йўлга кузатиш маросимида яқинларидан ўғли кичик Жон, қизи Кэролайн ва уддабурон тадбиркор Морис Темплмэн бор эди.

Ўз вақтида дунёни мафтун этган аёл шу тахлит умр кечирган.

Ҳусан ТУРСУНОВ
тайёрлади.

Charxi kajraftor

АЖОЙИБ ҚАЙДЛАР

Ҳамиша ажабланарли кўрсаткичлар ва қайдлар рекордлар китобида муҳрлаб қўйилади. Бу эса нафақат ўз даврининг, балки келгуси авлодларнинг ҳам ҳайратига сабаб бўлади.

Рекордлар китобида энг ёш миллионер сифатида эътироф этилганлардан бири Жекки Кугандир. У 1914 йилда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида туғилган. Дастлабки миллионни у олти ёшида Чарль Чаплин (1889-1977) билан биргаликда “Жужуқ” (1920) фильмида суратга тушиб, ишлаб топган.

* * *

Энг қимматбаҳо келинлик сепларини боливиялик машҳур бой Симон Итурби Патинё қизига тадқим этган. 1929 йилда Елена исмли қизини турмушга 8 миллион фунт стерлинга тенг сеп билан узатган.

* * *

Энг зиқна одам деб рекордлар китобига Хенриетта Хауленд Грин исмли аёл қайд этилган. Битта банкнинг ўзида 31,4 миллион доллар пули бўлса-да, у бемор ўғлини ётқизиш учун бепул даволайдиган касалхона қидиради. Бундай касалхона эса аксига олиб тезда топила қолмайди. Натижада вақт ўтиб шифокорлар ўғлининг бир оёғини кесиб ташлашга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари, бойвачча фақат сўли бўтқа еб қорин тўйдирган. Оловни тежаш учун кўпинча овқатни совуқлигича тановвул қилган. Дунёдан кўз юмгач, ундан 95 миллион доллар мерос қолган.



* * *

Энг виждонли фуқаро эса рекордлар китобида келтирилишича, америкалик 44 ёшли Жим Прайсмандир. “Дофт энд инкорпорейтед” фирмаси ҳисобчисининг ёрдамчиси лавозимида фаолият юритган бу киши 1982 йил 6 апрел куни Нью-Йорк шаҳридаги 110-уй яқинида бир конверт топиб олади. Конвертдан 37,1 миллион долларлик махсус чек чиқади. Аммо Прайсман чекни кўрсатиб осмондан тушган бойликни чўнтакка уриш ниятида дарҳол оёғини қўлга олиб банк томон ошиқмайди, балки бебаҳо топилмани бамайлихотир бориб эгасига, яъни “А.Т.Бекер инкорпорейтед” фирмасига топширади ва суюнчисига фирмадан атиги 250 доллар олади. Ўша дарвда чиққан вақтли матбуот нашрларида таъкидланишича, соф виждонлилик намунаси арзимас даражадаги мукофот билан тақдирланган экан.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА
тайёрлади

ЁМОНЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Мухтор Баҳодирнинг хотини бир кўримсизгина аёл бўлса керак, деб ўйлаган эди, йўқ, хушрўйгина жувон экан.

— Мухтор, хотиним уч-тўрт кун бўлади, бу ерда хоналар кўп, сен ҳам биз билан яшаб тураверасан, — деди Баҳодир.

Дилнура келгандан сўнг уларнинг турмуши анча тартибга тушди. Овқати тайин, кийимлари вақтида ювилиб, дазмолланади. Дилнура Тошкентга борсам, эрим ёрдам беради, ўғлимни дўхтирларга қаратиб, даволатаман, деб умид қилганди. Дастлаб Баҳодир ўғлини кўтариб касалхоналарга бирга борди. Дорилар олиб берди. Лекин вақт ўтиши билан хотини билан ҳам, ўғли билан ҳам мутлақо иши бўлмай қолди. Уйга кеч қайтадиган, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб жанжал чиқарадиган одат чиқарди.

— Нимага хотинингизни ҳадеб хафа қилаверасиз? — деб сўради Мухтор.

— Юрагим сиқилиб кетаяпти, ялло қилиб юрган эдим, мана энди у келиб ошга пашша тушди.

Мухтор Баҳодирнинг ноҳақ эканлигини яхши биларди. Унинг юзига тик боқиб, «Ие, оғайни, ўз пушти камарингиздан бўлган болангиз касал бўлиб, кечаси билан инжиқлик қилиб чиқса-ю, сиз қайси юз билан ялло қилиб юрган эдим дейсиз?! Болангизнинг соғлиғини тиклаш учун ҳеч нарсани аяманг, хотинингиз ҳам не-не умидлар билан сиз билан бир ёстиққа бош қўйган, унинг ҳам ҳурматини жойига қўйинг, қадрига етинг», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Чунки у шундай деса, Баҳодир касал боламни даволатиш учун пул керак, қани бўлмаса, олган қарзингни чўзиб қўй, дейиши тайин. Энди пул топсам, аввало, Баҳодирдан олган қарзимни узаман, сўнг унинг юзига тик қараб, Баҳодир сен аблаҳ, ярамас одам экансан, бундан кейин сен билан бирга ишламайман деб шартта айтаманда кетаман" деб ўйлади Мухтор. Лекин бу хомхаёл эканлигини Мухторнинг ўзи ҳам билар, иш берувчилар билан осон тил топишадиган, мўлжалдагидан юқорироқ нарх беришга уларни кўндира оладиган, иш битгандан сўнг улардан келишилган пулни вақтида ундириб оладиган одамни у яна қаердан топади?! Шунинг учун у тилидаги гапларни ичига ютишга мажбур бўлди. Агар у келгусида Баҳодир туфайли нақадар даҳшатли ишга шерик бўлиб қолишини билганида эди, тилини тиймаган, нимани ўйлаган бўлса, шуни унинг юзига шартта айтиб, алоқани бутунлай узган бўлар эди.

Тилидагини ичига ютишга мажбур бўлган Мухтор оқшом тушиши билан иккита ароқни қўлтиқлаб, Баҳодир таништириб қўйган аёлникига борди-да, бўкканча ичди. Уйга кеч қайтди. Дилнуранинг кўзлари қизариб кетганидан, Баҳодирнинг хўмрайиб ўтиришидан уларнинг яна уришганини сезди-да, индамай ўзининг хонасига кириб кетди. Орадан кўп ўтмай хонага қўлида бир шиша ароқ билан Баҳодир кириб келди.

— Юрагим қон бўлиб кетди. Сени кутиб ўтирувдим, бирга ичамиз.

— Гап йўқ, оғайни, — деди Мухтор.

Икковлашиб шишани бўшатишди. Шундан сўнг Баҳодир қарздо эканини эслатди.

— Ҳозир пулим йўқ, — дея бош чайқади Мухтор.

— Бошқа нарсага пул топасан, қарзингни узишга топа олмайсан эканда-а? — дея ўшқирди Баҳодир.

— Қайтараман деяпман-ку... Лекин ҳозир иложи йўқ.

— Топасан, бугуннинг ўзида топасан.

— Бугун сираям иложи йўқ, — дея чайналди Мухтор. — Дўконни битказайлик, бераман.

— Касал боламни даволатишим керак, хотиним шу ерда, — деди қаҳр билан Баҳодир.

Орага жимлик чўкди.

— Майли, йўқни йўндириб бўлмайди. Менга бир ишда ёрдам берасан. Ёрдам берсанг, қарзимдан воз кечиб юбораман, — деди Баҳодир кутилмаганда жаҳлдан тушиб.

Мухтор вазият ўзгарганини сезиб, бошини кўтариб Баҳодирга қаради:

— Қандай ёрдам, қўлимдан келса бўлди, бажараман.

— Қўлингдан келади. Қўлингдан келмаса, айтармидим.

— Ундай бўлса, мен тайёрман. — деди Мухтор.

— Дилнурани йўқ қилишимиз керак!

Мухтор Баҳодирга бақрайиб қараб қолди. «Нима деяпти бу? Эси жойидами ўзи ёки мен уқмай қолдимми?!»

Баҳодир ҳақиқатдан ҳам, хотинини ими-жимида ўлдириб юборишга қарор қилган эди. У анчадан буён бу қабиҳ ниятини амалга ошириш устида ўйлар, қандай қилса, гап-сўз кўпаймайдиган усулларини ахтарарди. Энг аввало, унга ёрдам берадиган шерик керак эди, бу ишда унга Мухтордан бошқа одам ёрдам бера олмаслигини тушунар, фақат уни кўндиролса бўлди. Баҳодир Мухторни кўндиришга ишончи комил эди. Чунки қачондан буён қарзини бера олмаяпти. Албатта, Дилнура йўқ бўлгандан кейин ота-онаси уни қидиради. Шунда у ўғлини олиб поездда Бухорога кетган, купеда бегона болалар бор эди, балки улар билан кетгандир, дейди. Хуллас, вақтдан ютса, бас. У ёғи бир гап бўлар.

Баҳодир одатдагидек, хотини билан жанжаллашиб олгач, кўпдан бери ўйлаб юрган ёвуз режасини қандай қилиб амалга ошириш лозимлиги устида бош қотираётганда ширкайф ҳолда Мухтор келиб қолган эди.

— Нимага бақраясан, уни гум қилишимиз керак, — дея Баҳодир хотини томонга ишора қилди.

Мухторнинг ўрнида бошқа одам бўлганида “ниятинг қурсин!” деб ўрнидан иргиб туриб кетар, Дилнурага “Сиз бу ердан кетинг, бу одам қиёфасидаги махлуқ билан яшаманг, у сизнинг гулдек умрингизни хазон қилмоқчи”, деб айтар эди. Аммо Баҳодирга қарам бўлиб қолган иродасиз инсон ўрнидан туриб кетмади. Дилнурага ҳам ҳеч нарса демади. Қайтангга Баҳодирдан қачон, деб сўради.

— Бугун, ҳозир! — деди Баҳодир. — Қўрқма, гап-сўз чиққудай бўлса, ҳаммасини ўзимга оламан. Сен фақат оғзингга маҳкам бўлсанг бўлгани.

Баҳодир билан Мухтор катта хонага чиқишди. Ўғлини ухлатаётган Дилнура эркакларнинг гангир-гунгур товушини эшитиб, чой дамлаб берай, деб улар олдига чиқди. Шунда Баҳодир ўрнидан сакраб туриб хотинига ташланди. У Дилнуранинг оғзини сочиқ билан беркитди. Мухтор олдиндан тайёрлаб қўйган пичоқни олиб Дилнурага ташланди...

Дилнура жон бергандан кейин кўзи қонга тўлган Баҳодир ухлаб ётган ўн бир ойлик ўғлини кўтариб ташқарига йўл олди. Кейин уни кўп қаватли уйларнинг ёнига ташлаб келди. Сўнг улар Дилнуранинг жасадини одеялга ўраб, ўзлари қураётган дўконнинг ичига кўмиб ташладилар.

Бу машъум воқеадан бир ойча кейин Баҳодир Бухорога келиб, Дилнурани поездда уйига жўнатганини, унинг ота-онаси эса қизлари келмаганлигини айтишди.

Шундан сўнг Баҳодир Дилнура Чоржўйда экан, деб гап тарқатди. Ўзи милицияга хабар бериб, улар билан бирга бориб излади, суриштиришди.

Оғир жиноят содир қилган Баҳодир сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қилар, у кўзларини олиб қочмай Дилнура йўқолиб қолди, уни бор кучимни ишга солиб ахтараяпман, деб ҳаммани чалғитишга уринарди. Орадан саккиз ой ўтди. Энди қутулдим, бундан буёғига яна ялло қилиб юраверараман, деб ўйлаган Баҳодирнинг миси чиқди. Мухтор Баҳодир сингари иккиюзламачилик қила олмади. Юз берган воқеадан сўнг у ҳаловатини йўқотди. Виждон азобига йўлиқади. Кўз ўнгида юз берган воқеа тўхтовсиз жонланар, кўзларига уйқу келмасди. Орадан саккиз ой ўтганда озиб-тўзиб, чўп бўлиб қолган Мухтор ички ишлар бўлимига келиб юз берган воқеани ипидан-игнасигача айтиб берди...

Биринчи инстанция суди уларнинг қилмишига яраша адолатли жазо тайинлади. Қилмиш қидирмиш... Ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Шохруҳ АКБАРОВ

Jinoyatga jazo muqarrar

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5